

## А Ж Р И М

(жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

\_\_\_\_\_ куни жиноят ишлари бўйича \_\_\_\_\_ суди ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Д.Н.нинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Б.нинг котибалигида, давлат айбловчиси \_\_\_\_\_ прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.С., жабрланувчи Б.Х., судланувчи А.А. ва унинг ҳимоячиси Х.А. ва қонуний вакили бўлган онаси Н.А.нинг иштирокида, судланувчи А.А.Р.га оид \_\_\_\_\_ жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг \_\_\_\_\_ билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

А.А.Р., дастлабки тергов органи томонидан бошқа шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб бир гуруҳ таркибида ҳаракат қилиб, \_\_\_\_\_ маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи \_\_\_\_\_ бўйидаги йўлдан кетиб бораётган фуқаро Б.Х.нинг орқасидан келиб, ташланиб, унинг елкасига осиб олган, ичида \_\_\_\_\_ баҳоси \_\_\_\_\_ бир дона термоси ва \_\_\_\_\_ сўмлик \_\_\_\_\_ тортиб олиб, Б.Х.ни ерга йиқитиб юбориб, унга соғлиқни қисқа муддат бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати ва жами \_\_\_\_\_ моддий зарар етказиб, ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетиб, талончилик яъни ўзганинг мулкени очикдан-очик талон-торож қилганликда \_\_\_\_\_ билан айбланган.

Жиноят иши бўйича судланувчи А.А.Р. суд мажлисида ариза билан муурожаат қилиб, ўз аризасида, етказилган моддий зарарларни тўлик қопланганлигини, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини,



шунинг учун ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] асосан айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни сўради ва шу ҳақда ариза тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси [REDACTED] “Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топилса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси [REDACTED] [REDACTED] “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 2-бандида “Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англамайди.

Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим” деб кўрсатилган.

Суд юқоридагиларга асосан судланувчи Абдурахимов Ахрор Рихсивой ўғли айбига иқроп ва қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарар миқдорини, етказилган моддий зарарни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, муқаддам судланмаганлигини, ижтимоий хавфли қилмишнинг характери ва хусусиятини инобатга олиб, уни ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси [REDACTED]

[REDACTED] тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Шунингдек, суд етказилган зарар бўйича жабрланувчи Б.Х.га дастлабки тергов даврида бир дон [REDACTED]

[REDACTED] тилхат орқали топширилганлиги инобатга олишни лозим топди.

Ашёвий далил деб эътироф қилинган икки дон DVD+R компакт диск хотирасида “ [REDACTED]

[REDACTED]



Ўғлига оид [REDACTED] жиноят иши доирасида ҳал қилинишини  
инобатга олишни лозим топади.

Бинобарин суд Ўзбекистон Республикаси [REDACTED]  
[REDACTED] қўллаб,

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

А.А.Р.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]  
[REDACTED] асосан айблилик  
ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

А.А.Р.га қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат  
эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги  
инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф қилинган икки дона DVD+R компакт диск  
хотирасида [REDACTED]

[REDACTED] жиноят иши доирасида ҳал қилиниши  
инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кун муддат ичида ушбу суд орқали  
жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судига хусусий шикоят, прокурор  
хусусий протест келтириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Д.Н.**

